



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KRIMINOLOGIYA TADQIQOT
INSTITUTI**



**“MAHALLA YETTILIGI” FAOLIYATIDA
JINOYATLARNI BARVAQT OLDINI OLISHNING
SAMARALI MEXANIZMLARI VA ILG‘OR
TAJRIBALAR MAVZUSIDAGI**

Respublika Ilmiy-amaliy konferensiyasi maqolalar va tezislar to‘plami

I



Toshkent - 2026

O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti kengashining yig'ilishida muhokama qilingan hamda nashrga tavsiya etilgan.

“Mahalla yettiligi” faoliyatida jinoyatlarni barvaqt oldini olishning samarali mexanizmlari va ilg'or tajribalar: Ilmiy maqolalar va tezislar to'plami
– T.: O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti, 2026. – 128 b.

Mas'ul muharrir:

B.E. Berdialiyev – O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti boshlig'i, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Taqrizchilar:

A.A. Matchanov – O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi professori, y.f.d., professor

U.T. Nurakboyev – O'zbekiston Respublikasi IIV Jamoat xavfsizligi departamenti Prpbatsiya xizmati boshlig'i o'rinsbosari

Tayyorlovchi:

A.A. Abdugapparov – O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti Mahallada jinoyatchilikni tadqiq etish markazi boshlig'i

A.P. Turayev – O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodimi

Ш.Г. Мирзажонов – O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti ilmiy xodimi

Ushbu to'plam “Mahalla yettiligi” faoliyatida jinoyatchilikning barvaqt oldini olish, huquqbuzarliklar profilaktikasining samarali mexanizmlari va sohadagi ilg'or xorijiy tajribalarni tadqiq etishga qaratilgan. Unda jinoyatchilikka qarshi kurashishning dolzarb muammolari, ularning sabab va shart-sharoitlari hamda amaliyotni takomillashtirish bo'yicha innovatsion g'oyalar bayon etilgan.

To'plam huquq-tartibot organlari ta'lim muassasalarining professor-o'qituvchilari, olimlar, tadqiqotchilar va amaliyot xodimlari, mustaqil izlanuvchilar, talabalar hamda kursantlar uchun mo'ljallangan.

Mazkur *Ilmiy to'plam* O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 15-yanvardagi PQ-22-son qarori ijrosi doirasida tayyorlandi.

Maqola va tezislarning mazmuni hamda faktlarning to'g'riligi uchun mualliflar mas'uldir.

© O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti, 2026-y

МУНДАРИЖА:

Кириш	3-4
R.B. Hojiyev. Oila-turmush munosabatlari doirasida ayollar jinoyatchiligi: sabablar, oqibatlar va profilaktika mexanizmlari	5-10
Я.Й. Олломов. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тушунчаси, предмети ва миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни	11-26
X.M. Qilichev. Mahalla fuqarolar yig'ini ishtirokidagi kafillik shartnomalarini takomillashtirish	27-35
И.Э. Тўраев., Э.Х. Норбутаев., С.А. Исаев. Наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласи тизимида уюшган жиноий гуруҳлар роли	36-45
J.O. Kenjayev. Mahalla yettiligi faoliyatida raqamli profilaktika mexanizmlari: "PSIXOTROP_MOI_BOT" platformasi orqali narkojinoiyatlarga qarshi kurashish samaradorligi	46-50
G.S. Ro'ziyeva. Intellectual va ma'naviy madaniyat integratsiyasi asosida kasbiy rivojlanishning pedagogik modeli	51-57
Ш.Б. Мустафаев. Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш давр талаби .	58-66
E.Kh. Norbutayev., S.A. Isayev. Illegal trafficking of firearms: global trends, regional characteristics, and threats to international security	67-74
Ж.У. Мирзаев. Пробация назорати орқали маҳкумларни ахлоқан тузатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари	75-80
А.А. Абдугаппаров. Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари: назарий-методологик таҳлил	81-91
Н.Б. Шоимов. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони – жиноятларни барвақт олдини олишнинг асоси	93-96
Б.Н. Саидов. Қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашда шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари	97-105
Ш.Г. Мурзажанов. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1-сонли қарори ижроси доирасида «Маҳалла еттилиги» томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва уларга тезкор муносабат билдириш ҳолати тўғрисида . . .	106-110
У.Х. Сайдалиев. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятларни ҳуқуқий таҳлили, сабаблари ва профилактика механизмлари	111-122
А.А. Хамидов. Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш ва жиноятчиликнинг барвақт профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни	123-126

НАРКОТИК ВОСИТАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ ТИЗИМИДА УЮШГАН ЖИНОИЙ ГУРУҲЛАР РОЛИ

Тўраев Илхомжон Эсанович

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот
институтини етакчи илмий ходими, т.ф.б.ф.д. (PhD)*

Норбутаев Эркин Хурозович

*ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси
профессори в.б., ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент*

Исаев Сардор Алишерович

*Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот
институтини бош илмий ходими, ю.ф.б.ф.д. (PhD)*

Аннотация. Мақолада жаҳон наркобозорининг ривожланишидаги замонавий тенденциялар ва наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласида уюшган жиноий гуруҳларнинг роли кўриб чиқилади. Наркотикларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва тарқатиш миқёслари, шунингдек, наркожиноятчиликнинг ўсишига таъсир этувчи омиллар, жумладан наркобозорнинг рақамлашуви, криптовалюталардан фойдаланиш ва яширин интернет-платформаларнинг ривожланиши таҳлил қилинади. Трансмиллий наркожиноятчиликнинг хусусиятига, унинг халқаро хавфсизликка давлатлар иқтисодий барқарорлигига ва жамоат саломатлигига таъсирига алоҳида эътибор қаратилади. Уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолият юритиш хусусиятлари, уларнинг тузилмаси ва фаолият усуллари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасидаги наркожиноятчиликнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида давлатнинг антинаркотик сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланади ва наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилади. Булар жумласига халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, оператив-қидирув фаолиятини такомиллаштириш, коррупцияга қарши кураш ва профилактик дастурларни амалга ошириш киради.

Калит сўзлар: трансмиллий жиноятчилик, уюшган жиноятчилик, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи, наркобизнес, наркобозор, наркожиноятчилик, антинаркотик сиёсати, гиёҳвандлик профилактикаси.

Аннотация. В статье рассматриваются современные тенденции развития мирового наркорынка и роль организованных преступных групп в незаконном обороте наркотических средств. Анализируются масштабы производства, потребления и распространения наркотиков, а также факторы, влияющие на рост наркопреступности, включая цифровизацию наркорынка, использование криптовалют и развитие скрытых интернет-платформ. Особое внимание уделяется характеру транснациональной

наркопреступности, её влиянию на международную безопасность, экономическую стабильность государств и общественное здоровье. Рассматриваются особенности функционирования организованных преступных групп, их структура и методы деятельности.

На основе анализа современного состояния наркопреступности в Республике Узбекистан определяются основные направления антинаркотической политики государства и предлагаются меры по повышению эффективности борьбы с незаконным оборотом наркотиков. К ним относятся развитие международного сотрудничества, совершенствование оперативно-розыскной деятельности, борьба с коррупцией и реализация профилактических программ.

Ключевые слова: транснациональная преступность, организованная преступность, незаконный оборот наркотиков, наркобизнес, наркорынок, наркопреступность, антинаркотическая политика, профилактика наркомании.

Abstract. The article examines modern trends in the development of the global drug market and the role of organized criminal groups in the illicit trafficking of narcotic drugs. It analyzes the scale of drug production, consumption, and distribution, as well as the factors influencing the growth of drug-related crime, including the digitalization of the drug market, the use of cryptocurrencies, and the development of darknet platforms. Particular attention is paid to the nature of transnational drug trafficking and its impact on international security, the economic stability of states, and public health. The operational characteristics of organized criminal groups, their structure, and methods of activity are also reviewed.

Based on the analysis of the current state of drug crime in the Republic of Uzbekistan, the main directions of the state's anti-drug policy are identified, and measures to improve the efficiency of the fight against illicit drug trafficking are proposed. These include the development of international cooperation, the improvement of operational-search activities, the fight against corruption, and the implementation of prevention programs.

Keywords: transnational crime, organized crime, illicit drug trafficking, drug business, drug market, drug-related crime, anti-drug policy, drug prevention.

Кириш (Introduction). Жаҳон наркобозори сўнгги йилларда барқарор ўсиш тенденциясини намойн этмоқда. Буни ишлаб чиқариш, мусодара қилиш, истеъмол қилиш ҳажмлари, тиббий ёрдамга мурожаатлар сони, шунингдек ўлим даражаси кўрсаткичлари тасдиқлайди. Халқаро тадқиқотлар маълумотларига кўра, 2023 йилда дунёда фақат кокаиннинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши рекорд даражага – тахминан 3 708 тоннага етган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 34 % га кўпдир [1]. Бунда ўсиш барча қитъаларда кузатилган.

Мусодара қилинган кокаин миқдори 68 % га (2019–2023) ошган, истеъмолчилар сони эса 2023 йилда тахминан 25 млн кишига етган. Асосий контингент – 15–64 ёшдаги шахслардир [2].

Бундан ташқари, сўнги йилларда жаҳон наркобозорининг ривожланишида қуйидаги янги тенденциялар кузатилмоқда: амфетамин, метамфетамин, фентанил каби синтетик наркотикларни ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши; наркобозорнинг фаол рақамлашуви; ҳисоб-китобларни амалга оширишда криптовалюталардан фойдаланиш; наркотикларни сотиш бозорларининг янги ҳудудларга кенгайиши; жиноий тармоқларнинг трансмиллий хусусиятининг кучайиши. Ушбу омиллар наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашнинг янги стратегияларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мусодара қилинаётган наркотиклар ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2025 йилда Ўзбекистонда ноқонуний муомаладан қарийб 3,5 тонна наркотик воситалар мусодара қилинган, 15,4 мингта наркожиноят қайд этилган, шунингдек наркотиклар билан боғлиқ 1956 та маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган. 14 та яширин нарколаборатория фойдаланишга этилган. Наркожиноятлар содир этгани учун 11 мингдан ортиқ шахс жавобгарликка тортилган (улар орасида 124 нафар талаба ва 59 нафар мактаб ўқувчиси бор). Ёшлар орасида гиёҳвандлик ҳолатларининг энг кўп қайд этилиши Тошкент шаҳрида кузатилмоқда [3].

Ёшлар орасида наркотик воситаларни истеъмол қилишга турли сабаблар таъсир кўрсатиши мумкин, масалан, номаълум ҳиссиётларни синаб кўриш истаги ёки инсоннинг характери, одатлари, ахлоқига таъсир этувчи оилавий ёки маҳаллий муҳит бўлиши мумкин. Айримлар учун эса бу қийинчиликлардан қочиш, руҳий оғриқни енгиш воситаси сифатида қабул қилинади. Бироқ аслида бундай йўл вазиятни янада оғирлаштиради ва наркотикка қарамликни шакллантиради.

Наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласи трансмиллий жиноятчиликнинг энг кенг кўламли шакллари билан бири ҳисобланади. У халқаро хавфсизликка, давлатлар иқтисодий барқарорлигига ва миллат генофондига сезиларли таъсир кўрсатади. Наркотик савдоси уюшган жиноий гуруҳлар учун асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Ушбу турдаги жиноий фаолиятнинг юқори даромадлиги криминал тармоқларнинг кенгайишига ва трансмиллий жиноий тузилмаларнинг ривожланишига хизмат қилади.

Уюшган жиноий гуруҳлар наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласининг турли босқичларини назорат қилади – наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашдан тортиб, уларни ташиш, сотиш ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришгача. Шу билан бирга, наркотикларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ зўравонлик ҳолатлари кучайиши ҳам мумкин.

Глобаллашув шароитида наркобозор тобора интеграциялашган ва мураккаб тус олмақда, бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини сезиларли даражада қийинлаштиради.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили (Literature review). Криминологияда уюшган жиноятчилик салбий ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида қаралади. У уюшган гуруҳлар, жиноий жамоалар томонидан содир этилган жиноятлар мажмуини, шунингдек ушбу гуруҳ ва жамоалар иштирокчилари йиғиндисини ўз ичига олади А.И. Долгованинг фикрига кўра, уюшган жиноятчилик – бу кенг кўламли жиноий фаолиятни амалга оширадиган ҳамда бундай фаолият учун энг қулай шарт-шароитларни яратадиган уюшган жиноий тузилмаларнинг мураккаб тизимидир. Ушбу тизим ўз фаолиятини таъминлаш учун бошқарув ва бошқа хизмат функцияларини бажарувчи ички тузилмалардан, шунингдек, давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Наркобизнесдан олинадиган юқори даромад уюшган жиноятчилик билан наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Бу ҳолат мазкур бозор сегментида жиддий рақобатнинг йўқлиги билан ҳам изоҳланади. Наркобизнеснинг асосий мақсади – жиноий фаолият орқали ноқонуний равишда фойда олиш ва бойишдир.

Наркотикларни ноқонуний савдо қилиш, даромадларни тақсимлаш ва шу билан боғлиқ ҳаракатлар давлатга катта зарар етказадиган жиноий иқтисодиётнинг бир қисми ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси (Research methodology). Жиноятчиликнинг ушбу шаклини тадқиқ этиш ҳозирги вақтда ҳам долзарблигича қолмоқда. И.Н. Селиверстов таъкидлаганидек, уюшган жиноятчилик кўламининг кенгайиши одамларни жиноий муҳит билан ўзаро алоқага киришишга жалб қиладиган объектив омиллар билан боғлиқ бўлиб, бу эса унинг янада ривожланишига қонуний равишда туртки беради.

Ҳозирги вақтда криминологлар уюшган жиноий фаолиятнинг қуйидаги асосий соҳаларини ажратиб кўрсатадилар, жумладан:

- наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси;
- қурол-яроғнинг ноқонуний айланмаси;
- ноқонуний миграцияни ташкил этиш;
- одам савдоси, инсон аъзолари ва тўқималари савдоси;
- автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва контрабанда қилиш;
- тарихий қимматликларни ўғирлаш ва контрабанда қилиш;
- компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятлар;
- жиноий йўл билан олинган мол-мулкни легаллаштириш;
- муаллифлик ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар;
- коррупциявий жиноятлар.

I

Таҳлил ва натижалар (*Analysis and results*). Уюшган жиноий гуруҳлар жаҳон наркобозорининг фаолият юритишида муҳим ўрин тутди. Улар наркотик моддаларни ишлаб чиқариш, ташиш ва тарқатишни таъминлайдиган мураккаб логистик тармоқларни шакллантиради. Уюшган жиноятчилик юқори даражадаги латентлик (*яширинлик*) билан ажралиб туради ва бу кўрсаткич 80 % гача етиши мумкин. Бу ҳолат табиий ҳамда сунъий омиллар билан изоҳланади.

Латентликнинг табиий омилларига жиноятчиларнинг юқори даражада тайёргарлиги ва профессионализми киради. Бу эса жиноятларни фош этишни анча қийинлаштиради (*айниқса, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси, фирибгарлик ва иқтисодий фаолият соҳаларида*). Шунингдек, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг эркинликда юрган жиноий тузилма вакилларида эҳтимолий қасос олишидан қўрқиши ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Бундан ташқари, бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали тақиқланган моддаларни етказиб беришга қаратилган наркотрафик шаклланган. Уларнинг тарқатилиши нафақат бир давлат доирасида, балки давлатлараро даражада ҳам амалга оширилмоқда. Бу жараёнда «Даркнет» (*ёки «қора интернет», «соявий интернет»*) алоҳида аҳамиятга эга. У Интернетнинг фақат махсус браузерлар орқали кириш мумкин бўлган яширин сегменти ҳисобланади. Унинг ёрдамида наркосавдогарлар хавфсиз наркотик моддаларни аноним тарзда сотиш имкониятига эга бўладилар.

Шунингдек, криптовалюталар пайдо бўлиши билан молиявий транзакцияларни кузатиш янада қийинлашмоқда. Бу эса халқаро наркобизнеснинг ривожланишига ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси муаммосининг кескинлашишига сабаб бўлмоқда.

Наркотик воситаларнинг давлатлараро даражадаги ноқонуний айланмаси трансмиллий жиноятчилик турига киритилади.

Баҳолашларга кўра, 2009 йилда унинг айланмаси 870 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 1,5 %га тенгдир. Бу сумма ўша йилда ривожланиш мақсадлари учун ажратилган расмий ёрдам ҳажмидан олти баравардан ҳам кўп ва жаҳон товар экспортининг қарийб етти фоизига тенг бўлган [7].

Трансмиллий жиноятчиликнинг асосий функцияларига қуйидагилар киради:

1. наркотик моддалар ишлаб чиқарилишини назорат қилиш;
2. халқаро ташиш каналларини ташкил этиш;
3. миллий бозорларда наркотикларни тарқатиш;
4. жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш.

Замонавий жиноий тармоқлар юқори даражадаги мослашувчанликка эга. Улар марказлашмаган (децентрализован) тузилмалардан фойдаланади,

бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳаракатларига самарали мослашиш имконини беради.

Трансмиллий наркожиноятчилик – бу бир нечта давлат ҳудудида амалга ошириладиган ва наркотикларнинг ноқонуний айланмасидан катта молиявий фойда олишга қаратилган уюшган жиноий фаолият шаклидир. У қўламдорлиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради ва шу сабабли энг жиддий глобал муаммолардан бири ҳисобланади [8, 110-б.]. Бундай даражадаги жиноий фаолият мураккаб, кўп босқичли уюшган тузилмаларни яратишни назарда тутади.

Трансмиллий жиноятчилик ривожланишининг салбий тенденцияларини таҳлил қилар экан, Н.Н. Дьяченко ва С.П. Вайле замонавий шароитда у шундай миқёсга етганини таъкидлайдиларки, бу унга тизим яратувчи хусусият бахш этади. Уларнинг фикрича, трансмиллий жиноятчилик амалда жамият ҳаётининг барча муҳим соҳаларига – сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга кириб борган. Тадқиқотчилар энг кўзга ташланадиган тенденциялар сифатида жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш жараёнларининг кучайишини, тадбиркорлик фаолиятини қонуний амалга оширишга қарши қаратилган тажовузлар сонининг ортишини, уюшган жиноий гуруҳларнинг йириклашуви ва бирлашувини, шунингдек уларнинг ички тузилмасининг мураккаблашуви ҳамда жиноий фаолият профессионалик даражасининг ўсишини кўрсатадилар [9, 76-б.].

Трансмиллий жиноятчиликни қуйидаги белгилари мавжуд:

- 1) жиноий бирлашмаларнинг тузилмалашганлиги ва юқори даражада ташкил этилганлиги;
- 2) моддий базанинг мавжудлиги;
- 3) қонуний кўринишга эга бўлган фаолият турларининг мавжудлиги;
- 4) ҳокимият билан коррупцион алоқалар ва бошқалар.

Трансмиллий наркожиноятчилик бир қатор сабабларга кўра жамият учун жиддий хавф туғдиради. Асосий хавфлардан бири – наркотик моддалар тарқалиши натижасида миллат генофондига етказиладиган ҳалокатли таъсирдир. Наркосавдо билан шуғулланувчи ташкилотлар кўпинча зўравонлик билан боғлиқ фаолиятга ҳам жалб этилган бўлиб, бу эса оддий фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солади.

Бундан ташқари, жиноятчиликнинг ушбу шакли давлатда коррупциянинг ривожланишига сабаб бўлади, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни издан чиқаради, бу эса охир-оқибат жамият барқарорлигининг бузилишига олиб келади.

Л.В. Глазкованинг фикрига кўра, замонавий уюшган жиноятчилик мураккаб тизимли табиатга эга. Уюшган жиноятчиликнинг асосини ташкил этувчи профессионал, иқтисодий ва коррупциявий жиноятчилик кўплаб

мутахассислар – бухгалтерлар, молиячилар, ҳуқуқшунослар ва банкирлар иштирокида фаолият юритиши ва ривожланиши мумкин эмас. Уларнинг ёрдами фақат айрим жиноятларни содир этишни таъминлаш билангина чекланмайди, балки ноқонуний йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш, молиявий операцияларни амалга ошириш ва жиноий келиб чиқишга эга бўлган пул маблағлари ҳамда мол-мулкка эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишга қонуний тус беришга қаратилган битимларни тузишда ҳам намоён бўлади.

Жиноий ва жиноятга яқин манфаатларнинг чамбарчас боғланиб кетиши натижасида уюшган жиноий гуруҳлар ва жиноий жамоаларга хизмат қилувчи яширин (тенг) тизимлар шаклланади. Бундай тизимлар доирасида наркожиноятчилик жамият билан ўзаро алоқада бўлиб, жамоатчилик онгига таъсир кўрсатади ва жиноий мафкура ҳамда жиноий хулқ-атвор моделларининг тарқалишига сабаб бўлади [10, 84-б.].

Шунингдек, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосидан олинган маблағлар бошқа турдаги жиноий фаолиятни, жумладан терроризмни молиялаштиришга ҳам йўналтирилиши мумкин.

Трансмиллий наркожиноятчилик жаҳон миқёсига эга бўлиб, давлатлар чегараларини кесиб ўтади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу ҳодисага қарши курашиш вазифаларини янада мураккаблаштиради.

Наркотик моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ трансмиллий жиноий гуруҳлар ва ташкилотлар фаолияти расман Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигига таҳдид сифатида эътироф этилган. Наркобизнес жамоат тартибига, иқтисодий хавфсизликка ҳамда давлат бошқаруви тизимига жиддий зарар етказди.

Шунинг учун давлат ва унинг тегишли органлари олдида турган устувор вазифалардан бири – наркобизнесга ихтисослашган жиноий гуруҳларни аниқлаш ва бартараф этиш, наркотик моддалар ва уларнинг прекурсорларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда тарқатувчиларни жавобгарликка тортиш, шунингдек ўз вақтида ва самарали давлат антинаркотик сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Баён этилганлардан хулоса қилиш мумкинки, уюшган жиноятчилик феномени келгусида ҳам чуқур криминологик тадқиқотларни талаб қилади.

Бундай тадқиқотларнинг асосий мақсади – уюшган жиноий гуруҳлар ва жиноий жамоалар фаолиятига нисбатан янада самарали профилактик таъсир механизмларини излаб топиш ва ишлаб чиқишдир. Фақат илмий ёндашувларни такомиллаштириш ва профилактика чораларини амалиётга татбиқ этиш орқалигина уюшган жиноятчиликка қарши кураш тизими унинг ҳозирги даражаси ва ривожланиш хусусиятларига мос равишда самарали бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида 2024–2028 йилларга мўлжалланган Наркомания ва наркожиноятчиликка қарши курашиш Миллий стратегиясининг устувор мақсадларига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш, аҳолини, айниқса ёшлар саломатлиги ва миллат генофондини самарали ҳимоя қилиш, шунингдек наркомания ва уюшган наркожиноятчиликка қарши кураш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида 2025 йил 3 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини наркомания ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–207-сон фармони қабул қилинди [11].

Ушбу фармон билан 2025–2026 йилларга мўлжалланган наркомания ва наркожиноятчиликни барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар Миллий дастури тасдиқланди.

Миллий дастур миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги стратегик режалаштириш ҳужжати ҳисобланади ва давлатнинг антинаркотик сиёсати амалга оширилишини таъминлашга қаратилган.

Фармон ва дастурнинг асосий қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

✓ антинаркотик сиёсатни такомиллаштириш ва наркотик воситалар айланмаси устидан давлат назоратини кучайтириш, жумладан қонунчиликни, технологияларни ва мониторинг тизимини ривожлантириш;

✓ таълим дастурлари, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва кўнгилчилар иштирокини таъминлаш орқали наркотикларни ноқонуний истеъмол қилишнинг олдини олиш ҳамда уни эрта аниқлаш;

✓ даволаш, реабилитация ва эрта ташхис қўйиш тизимини ривожлантириш орқали наркотикка қарамлар сонини камайтириш;

✓ чегараларда назоратни кучайтириш ва уюшган жиноий гуруҳларга қарши курашни фаоллаштириш орқали наркотик моддалар айланмаси соҳасидаги жиноятларни камайтириш;

✓ наркотикларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистон наркотик моддалар тарқалишига қарши кураш ва улар устидан назоратни кучайтириш соҳасидаги халқаро мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда. Хусусан, 1995 йил февраль ойида республика БМТнинг наркотиклар устидан назорат қилишга оид конвенцияларига қўшилди, 1999 йил август ойида мамлакатда “Наркотик воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди [12], 2021 йил январь ойида эса “Наркологик касалликларни профилактика қилиш ва даволаш тўғрисида”ги Қонун кучга кирди [13].

Ҳозирги вақтда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (УНП ООН) билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қуйидаги минтақавий лойиҳалар амалга оширилмоқда:

1. Минтақавий лойиҳа «Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш марказини (ЦАРИКЦ) ташкил этиш» (умумий бюджети – 15,4 млн АҚШ доллари).

Лойиҳа доирасида ЦАРИКЦни ташкил этиш тўғрисидаги келишув иштирокчи давлатларининг миллий координаторлари Кенгашининг бир нечта йиғилишлари ўтказилди. Уларда келгуси 2 йил учун фаолиятнинг асосий йўналишлари белгиланди ҳамда марказ фаолиятига доир энг долзарб масалалар кўриб чиқилди.

2. Минтақавий лойиҳа «Treatment II – наркологик қарамликни ва унинг соғлиққа салбий оқибатларини даволаш» (1 млн 490 минг АҚШ доллари).

Лойиҳа доирасида соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари мутахассислари минтақавий тренингларда иштирок этмоқда.

3. Минтақавий лойиҳа «Ёшлар ўртасида психоактив моддаларни суистеъмол қилиш, ОИТС/ВИЧ ва жиноятчиликнинг олдини олиш – оилада ҳаёт кўникмаларини шакллантириш бўйича таълим дастурлари орқали».

Ҳозирги вақтда мазкур лойиҳа доирасида «Оила ва мактаб биргаликда» дастури Тошкент шаҳрида ва республиканинг учта ҳудудида кичик мактаб ёшидаги болалар учун амалга оширилмоқда.

4. Минтақавий лойиҳа «Афғон опиятларининг шимолий йўналиш орқали ноқонуний айланмасига қарши курашиш – асосий чегара пунктлари салоҳиятини кучайтириш ва чегара алоқа бўлинмасини ташкил этиш орқали» (умумий бюджети – 1,3 млн АҚШ доллари) [14].

Трансмиллий наркожиноятчилик таҳдиди шароитида давлат антинаркотик сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Наркобизнесга қарши самарали курашиш ва трансмиллий жиноий гуруҳларга қарши таъсирчан чоралар кўриш учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги амалий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Наркокартеллар ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан шуғулланувчи жиноий ташкилотлар фаолиятини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида оператив-қидирув фаолияти усуллари ва технологияларини такомиллаштириш.

2. Наркобизнесга қарши кураш самарадорлигини пасайтириши мумкин бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда давлат тузилмалари ичидаги коррупцион схемаларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, шунингдек назоратни кучайтириш.

3. Трансмиллий наркожиноятчиликка қарши курашиш бўйича ахборот алмашиш, қўшма операциялар ўтказиш ва халқаро стратегияларни ишлаб чиқиш мақсадида бошқа давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш.

4. Наркотик моддалар тарқалишининг олдини олиш ҳамда наркологик қарам шахсларга ёрдам кўрсатиш мақсадида наркомания профилактикаси ва наркологик қарамликдан реабилитация қилишнинг самарали дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Адабиёт рўйхати:

1. UNODC. Global cocaine production statistics.
2. Всемирный доклад о наркотиках 2025 г. ООН. UNODC Управление по наркотикам и преступности. Основные выводы. С.-14.
3. Более 11 тысяч человек привлекли к ответственности за наркопреступления в 2025 году // Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.
4. Михайлов А.Е., Семенов С.А., Тараканов И.А. Организованная преступность: состояние и тенденции // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2020. №12-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizovannaya-prestupnost-sostoyanie-i-tendentsii> (дата обращения: 06.03.2026).
5. Долгова А.И. Организованная преступность, ее развитие и борьба с ней II Организованная преступность-3. М., 1996. С. 20.
6. Селиверстов И.Н. Социальная опасность организованной преступности: новые тенденции в XXI веке // Юридическая мысль. 2019. № 4-5 (114-115). С. 108-120.
7. Транснациональная организованная преступность: глобализованная нелегальная экономика // URL: <https://www.unodc.org/toc/ru/crimes/organized-crime.html>.
8. Михайлов Алексей Евгеньевич, Семенов Сергей Александрович, Тараканов Илья Александрович Организованная преступность: состояние и тенденции // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2020. №12-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizovannaya-prestupnost-sostoyanie-i-tendentsii> (дата обращения: 06.03.2026).
9. Дьяченко Н.Н. Состояние и тенденции современной организованной преступности/Н.Н.Дьяченко,С.П.Вайле//Деятельность правоохранительных органов в современных условиях. Сборник материалов XXV международной научно-практической конференции. Саратов, 2020. С. 7582.
10. Глазкова Л.В. Взаимодействие систем организованной преступности и коррупции // Актуальные проблемы российского права. 2019. № 7(104). С. 77-86.
11. Указ Президента Республики Узбекистан, от 3 ноября 2025 года № УП-207 «О комплексных мерах по эффективной защите здоровья населения и генофонда нации от наркомании и наркопреступлений»// URL: <https://lex.uz/ru/docs/7818779>